

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ ТАДҚИҚОТЧИЛИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИШ

п.ф.ф.д. (PhD) Ф.А.Раҳматова ЖДПИ Педагогика таълими  
назарияси кафедраси мудири

**Аннотация:** Бошланғич синф ўқитувчиси тадқиқотчилик компетентлигининг бундай тузилмаси жамиятнинг ижтимоий буюртмаси, ўқитувчи фаолиятининг ижодий томони хусусиятлари билан боғлиқ бўлган фаолият турларининг мажмуини акс эттиради. Психологик-педагогик, меъёрий-ҳуқуқий ва рефлексив компетенциялар педагогик касб учун умумий характерга эгадир, яъни умумтадқиқотчилик, фанга оид ва методик компетенциялар эса – махсус компетенциялар ҳисобланиб, улар бошланғич синф ўқитувчисини мутахассис сифатида бошқа педагоглардан фарқловчи, махсус тадқиқотчилик мажбуриятларни бажариш қобилияти билан боғлиқ.

**Калит сўзлар:** тадқиқотчилик компетенциялар, фанга оид компетенциялар, методик компетенциялар, махсус компетенциялар, психологик-педагогик, меъёрий-ҳуқуқий, рефлексив.

**Аннотация:** Такая структура исследовательской компетентности учителя начальной школы отражает совокупность видов деятельности, связанных с социальным заказом общества, особенностями творческой стороны деятельности учителя. Психолого-педагогические, нормативно-правовые и рефлексивные компетенции являются общими для педагогической профессии, то есть общие исследовательские, научно-методические компетенции являются специальными компетенциями, которые связаны со способностью учителя начальных классов выполнять специальные исследовательские задачи.

**Ключевые слова:** исследовательские компетенции, научные компетенции, методические компетенции, специальные компетенции, психолого-педагогические, нормативно-правовые, рефлексивные.

**Abstract:** Such a structure of research competence of an elementary school teacher reflects the set of types of activities related to the social order of society, the characteristics of the creative side of the teacher's activity. Psychological-pedagogical, normative-legal and reflexive competencies are general for the pedagogical profession, that is, general research, scientific and methodological competencies are special competencies, which are related to the ability of a primary school teacher to perform special research tasks.

**Keywords:** research competencies, scientific competencies, methodical competencies, special competencies, psychological-pedagogical, normative-legal, reflexive.

Барча санаб ўтилган ташкил этувчилар бевосита боғланиб, бошланғич синф ўқитувчиси тадқиқотчилик компетентлигини шакллантирувчи мураккаб тузилмани ташкил этади. Ифодаланган компетенцияларнинг

мазмунни бошланғич синф ўқитувчисининг тадқиқотчилик фаолиятига талабларни акс эттиради.

Касб таълимида компетенциявий ёндашув ўз моҳиятига кўра модулли-компетентли ҳисобланади. А.К.Маркованинг шахсий-вазифали модулли ёндашуви ўзида модулли ўқитишнинг инновацион педагогикасига йўл очиб, модулни янада кенг талқин этиш имкониятини ифодалайди. Агар модуль инсондан муайян психологик сифатларни талаб этувчи тадқиқотчилик вазифа (тадқиқотчилик функция) бўлса, унда ихтиёрий, жумладан педагогик касбни энг содда ҳосилаларгача табақалашши («кубиклар») ёки аксинча йирик бирликлар, супермодулларга («блокларга») интеграцияланиши мумкин бўлган модуллар мажмуи сифатида ифодалаш мумкин.

Таълим олувчиларнинг мазкур вазифа-модулларни эгаллашлари бўлажак иш учун зарур психологик-тадқиқотчилик сифатларни эгаллаш билан бирга таълим, тарбия жараёнини ташкил этади. Фалсафий-методологик жиҳатдан биз бунда Декарт тамойилларидан бирига риоя этамиз: «мен томонимдан тадқиқ этиладиган ҳар бир қийинчиликни имкони мавжуд бўлган қисмларгача ажратиш, уларни яхшироқ енгил учун керакдир».

Тизимли методологияга мурожаат этиб, ихтиёрий тизимнинг модуллилиги (бўлиниши, дискретлиги) унинг интегративлик (узлуксизлик, давомийлик) каби ажралмас сифатидир. Бундан, педагогик технология ўз арсеналида инегратив ва модулли ўқитиш воситаларига эга бўлиши кераклиги тўғрисидаги хулосага келиш мумкин. Уларнинг умумийлиги айрим тадқиқотчилар ишларида ўқитиш шакли номида ифодаланган, масалан блокли-модулли.

«Педагогик технология» тушунчаси фанга XX асрнинг 60-йилларида кириб келган. Таълимга илмий-техник тараққиётни жорий этиш ғояси таълимий фаолиятга илмий қонуниятларга бўйсунган йўлга қўйилган ишлаб чиқаришга қараш сингари ҳолатга олиб келди, оқибатда таълим ва тарбияни оммавийлаштиришга айлантириш, технологиялаштириш мумкин бўлди. Дастлаб «педагогик технология» тушунчаси ўқитишда техник воситалар ва дастурий ўқитиш воситаларини қўллаш билан боғланган. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига савод ўргатиш тадқиқотчилик-методик компетентлиги малакага асосланган методологик ёндашувлар, ўзаро таъсир субъектларининг ҳақиқий ва потенциал, реал ва нореал омиллари ўртасидаги муносабатларнинг концептуал жиҳатларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

*Умумкасбий компетенциялар* таҳлили уларнинг мазмунини аниқлаш имконини берди. Масалан, психологик-педагогик компетенцияни биз асосий инвариант психологик-педагогик билим ва малакаларни эгаллаш сифатида тушунамиз. У турли педагогик тизимлардаги кенг доирадаги таълим ва тарбиявий вазифаларни ечишнинг муваффақиятлилиги; бўлажак педагогнинг

ихтисослигидан катъий назар маълум касбий-педагогик талабларга мувофиқлик; таълим олувчилар таълим сифатини баҳолашнинг турли хил шакллари эгаллаганлик; таълим олувчиларнинг индивидуал қобилиятларини аниқлаш ва уларни инобатга олиб таълим жараёнини қуриш малакаси; ўқувчилар, ҳамкасблар, ота-оналар билан педагогик мақсадга мувофиқ ўзаро муносабатларни ўрнатиш малакаси; педагогик жамоада фаровон муҳитни яратиш; таълим жараёнининг вариатив ва шахсий йўналганлигини лойиҳалаш малакаси билан боғлиқдир.

*Меъёрий-ҳуқуқий компетенция.* Унинг мазмунига ўқитувчи-таълим олувчи, ўқитувчи-ота-она соҳасидаги муайян меъёрий муносабатларни эгаллаганликни, бола ҳуқуқлари ва катталарнинг болаларга нисбатан мажбуриятлари тўғрисидаги асосий ҳужжатлардан фойдаланиш билим ва малакаларини (Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги халқаро конвенция, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонун), инсоннинг инсонга, жамиятга ва табиатга муносабатини тартибга солувчи ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни эгаллаганлик, экологик ва ҳуқуқий маданиятга эгаликни киритамиз.

*Рефлексив компетенциялар* мазмунига қуйидагилар киради: ўз ишини ва таълим олувчилар хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва баҳолаш малакаси, ўзини-ўзи англаш, ўзини-ўзи ундаш ва ўзини-ўзи амалга ошириш. У педагогнинг шахсий ютуқларининг тартибга солувчиси, шунингдек, касбий ўсиш ва педагогик маҳоратни такомиллаштиришга ундовчи бўлиб ҳисобланади. Рефлексив компетенция алоҳида махсус компетенциялар билан бевосита интеграциялашган.

*Махсус компетенциялар* бошланғич синф ўқитувчисини бошқа педагоглардан фарқлайди ва кўшимча ўрганишни талаб этади. Биз унинг мазмунини қуйидагича белгиладик:

*а) фанга оид компетенция* – бошланғич таълим курси мазмунининг илмий асосларига оид билимларини қўллашга тайёргарлик, ўқув фанига ижобий муносабат, ўқув материали мазмуни билан ўзаро алоқадорликда зарур ҳажмдаги махсус тушунчаларни онгли эгаллаганлик, фан бўйича илмий ахборотни тушуниш ва тизимлаштириш малакаси; ўқув фани мазмунини таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириш малакаси.

*б) методик компетенция* – ўқув фани бўйича ўқув материални режалаштириш, танлаш, синтезлаш ва қуришга тайёрлик, ўқув фани бўйича машғулотларнинг турли шакллари ташкил этишга тайёргарлик, таълим олишга фаолиятли ёндашувларни амалга оширишга тайёргарлик ва бошланғич синф ўқувчиларининг ўқув ишларини ташкил этиш малакаси, ўқитишнинг инновацион технологияларини қўллашга тайёргарлик, ўқитишнинг соғлиқни сақлаш технологияларини малакали қўллаш.

Бошланғич синф ўқитувчиси тадқиқотчилик компетентлиги тузилмасини аниқлашга бундай ёндашувда уни таълимнинг янги мазмунини ҳамда янги ўқув режалари, дастурларини ишлаб чиқишда, дарсликлар ёзишда фойдаланиш, шунингдек, бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича инновацион технологияларни ишлаб чиқишда унга таяниш ҳамда ёш мутахассиснинг мослашиш даврини қисқартириш имконияти юзага келади.

Махсус ва методик компетенциялар мазмуни бошланғич таълим ўқув режасига кирувчи маълум ўқув фанига нисбатан аниқлаштиришни талаб этади. Бу бошланғич таълим ўқитувчиси педагогик фаолият характериға кўра ўнлаб турли ўқув фанларини ўқитадиган универсал эканлиги билан боғлиқ. Бундан ташқари, бошланғич синф ўқитувчиси синф раҳбари ва болалар жамоасининг доимий ташкилотчиси, мактаб ва ўқувчиларнинг ота-оналари ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқитувчисининг ўнлаб турли хил ўқув фанларини ўқитишни (она тили, математика, табиатшунослик, технология, жисмоний тарбия) қамраб олган педагогик фаолияти хусусиятининг таҳлили асосида мазкур тадқиқотда фанга оид ва методик компетенциялардан ташкил топган бошланғич синф ўқитувчиси махсус компетенцияларининг умумий тузилмаси таклиф этилди.

Бошланғич синф ўқитувчиси махсус компетенцияларининг умумий тузилмаси куйидагича изоҳланади: бошланғич синф ўқитувчиси тадқиқотчилик компетентлигининг таклиф этилган тузилмаси талабанинг бўлажак тадқиқотчилик фаолияти тўғрисидаги ифодали, мақсадга мувофиқ тасаввурини ҳосил қилиш ва унга тадқиқотчилик тайёргарликнинг самарали технологияларини лойиҳалаш учун асос бўлиб хизмат қилиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Муслимов Н.А. ва б. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. –Т.: Fan va texnologiya, 2013.
2. Асадов Ю.М. ва б. Ўқувчиларда компетенцияларнинг шаклланганлигини ташхислаш ва коррекциялаш методикалари. – Т.: Қори Ниёзий номидаги ЎзПФТИ, 2016.
3. Айдарова Л.И. Психологический проблемы обучение младших школьников русскому языку. – Москва: Педагогика, 1978.
4. Абдуллаева Б.С. Академик лицей ўқувчиларининг математик тафаккурларини ривожлантириш(умумлаштирувчидарслармисолида): Дис. ... п ед. фан. ном. –Тошкент: ТДПУ, 2002.
5. Obidjonova M. O`quvchilarni mustaqil fikrlashga o`rgatishda mitti hikoyalarning o`rni // Global ta'lim va taъlim va milliy metodika taraqqiyoti: Resp. ilmiy-amaliy anjumani material. – Т., 2019.
6. Rahmatova, F. (2020). THE WAYS OF UTILIZING PROBLEMATIC STUDY IN ENHANCING THE MATHEMATICAL MIND OF THE UPCOMING PRIMARY EDUCATION TEACHERS. Архив Научных Публикаций JSPI.

7. Rahmatova, F. (2021). Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини ривожлантиришда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш. Журнал инновации в начальном образовании, 2(3).

8. Rahmatova, F. (2020). METHODS OF INNOVATION TECHNOLOGIES IN PRIMARY EDUCATION. Архив Научных Публикаций JSPI.

9. Rahmatova, F. (2020). Main Features of Mathematical Subjects at Primary Schools. Архив Научных Публикаций JSPI.

10. Rahmatova, F. (2020). FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHERS IMPROVING MATHEMATICAL THINKING. Архив Научных Публикаций JSPI.

11. Rahmatova, F. (2020). ТАЛАБАЛАРНИНГ МАТЕМАТИК ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИМКОНИЯТЛАРИ. Архив Научных Публикаций JSPI.

12. Rahmatova, F. (2020). РАЗВИТИЯ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ УМЕНИЙ СТУДЕНТОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ МАТЕМАТИКИ ПОСРЕДСТВОМ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ. Архив Научных Публикаций JSPI.

13. Rahmatova, F. (2020). Математика фанини ўқитишнинг дидактик таъминоти. Архив Научных Публикаций JSPI.

14. Rahmatova, F. (2020). Математик тафаккурни такомиллаштиришда матнли масалалардан фойдаланишда узлуксизлик тамойилининг аҳамияти. Архив Научных Публикаций JSPI.

15. Rahmatova, F. (2020). СОЗДАНИЕ ПРОБЛЕМНОГО ОБУЧЕНИЯ ОБЛАСТИ ТВОРЧЕСКОЙ ИНФОРМАЦИИ. Архив Научных Публикаций JSPI.

16. Rahmatova, F. (2020). Талабаларда математик тафаккурни шакллантириш омиллари. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-6.

17. Rahmatova, F. (2021). Bo'lajak boshlang'ich sinf o'quvchilarning ilmiy tadqiqot ishlarini olib borish yunalishi bo'yicha faoliyat. Журнал инновации в начальном образовании, 2(3).

18. Rahmatova, F. (2021). O'quvchilarni ma'naviy-axloqiy tarbiyalash texnologiyasi. Журнал инновации в начальном образовании, 2(3).

19. Rahmatova, F. (2021). The Formation Of Research Competencies Of Future Primary School Teachers. Журнал инновации в начальном образовании, 1(Архив№ 2).

20. Rahmatova, F., & Abrorxonova, K. (2021). Educational issues in the works of enlightened intellectuals. Журнал инновации в начальном образовании, 1(Архив№ 2).

21. Rahmatova, F. (2020). БўЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ. Журнал инновации в начальном образовании.